

# ТОШКЕНТ

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва халқ депутатлари шаҳар Советининг органи

# ОҚШОМИ

ГАЗЕТА 1986 йил 1 июлдан чиқа бошлаган. • № 42 (5. 933) • 1986 йил 19 февраль, чоршанба • Баҳоси 3 тийин.

## Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Пленуми тўғрисида ИНФОРМАЦИОН БИЛДИРИШ

1986 йил 18 февралда Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Пленуми бўлди.

Пленум қуйидаги масалаларни муҳокама қилди:

1. КПСС Марказий Комитетининг Совет Иттифоқи Коммунистик партияси XXVII съездида сиёсий доклади тўғрисида.

2. КПССнинг янги тахрирдаги Программаси лойиҳаси умумпартия ва умумхалқ муҳокамасининг асосий яқунлари ҳамда уни кўриб чиқиш учун КПСС XXVII съездида тақдим этиш тўғрисида.

3. КПСС Уставига киритилган ўзгаришларни муҳокама қилиш яқунлари ҳам-

да партиянинг ўзгартирилган Устави лойиҳасини кўриб чиқиш учун КПСС XXVII съездида тақдим этиш тўғрисида.

4. СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1986—1990 йилларга ҳамда 2000 йилгача бўлган даврга мўлжалланган Асосий йўналишлари тўғрисида КПСС XXVII съездида доклад ҳақида.

5. «СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1986—1990 йилларга ҳамда 2000 йилгача бўлган даврга мўлжалланган Асосий йўналишлари» лойиҳаси умумхалқ муҳокамасининг яқунлари ва шу лойиҳани кўриб чиқиш учун КПСС XXVII съездида тақдим этиш тўғрисида.

Шу масалалар юзасидан М. С. Горбачев ва Н. И. Рижков ўртоқларнинг докладлари тингланди. Пленум тақдим этилган докладларни, КПССнинг янги тахрирдаги Программаси, партиянинг ўзгартирилган Устави ва Асосий йўналишлар лойиҳаларини маъқуллади ҳамда шу ҳужжатларни Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг бўлажак XXVII съезди муҳокамасига киритиш тўғрисида қарор қабул қилди.

Пленумда ташкилий масалалар кўриб чиқилди.

Пленум ўртоқ Б. Н. Ельцинни КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзоллигига кандидат қилиб сайлади ва Мос-

ква шаҳар партия комитетига ишга ўтганлиги муносабати билан уни КПСС Марказий Комитети секретари вазифасидан озод этди.

Пленум ўртоқ В. В. Гришин пенсияга чиқиш муносабати билан уни КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзоси вазифасидан озод этди.

Пленум ўртоқ К. В. Русаков саломатлиги ёмонлашгани сабабли пенсияга чиқиш муносабати билан уни КПСС Марказий Комитетининг секретари вазифасидан озод қилди.

Шу билан КПСС Марказий Комитетининг Пленуми ўз ишини тамомлади.

## КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросида

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси ўзининг навбатдаги мажлисида КПСС XXVII съездида асосий материаллар тайёрлашнинг боришини ҳамда партиянинг бўлувчи съездини чақириш ва ўтказиш билан боғлиқ бўлган бир қанча ташкилий масалаларни муҳокама қилди.

Сиёсий бюро КПСС XXVII съезди шарафига ўтказилган Бутуниттифоқи коммунистик шайбалининг яқунларини кўриб чиқиш, 150 миллиондан ортиқ киши қатнашган шайбалик зўр сиёсий активлик ва меҳнат гайрати вазиётида ўтганини, съездодди социалистик мусобақасининг муҳим босқичи, 1986 йил пилани бажаришга қўшилган салмоқли ҳисса бўлганини таъкидлади. КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг коммунистик шайбалик яқунлари тўғрисидаги ва унда ишлаб топиладиган маблағ нимадларга сарфланиши ҳақидаги қарор

матбуотда эълон қилинади. Сиёсий бюро ўртоқ А. А. Громикинни СССР Олий Советининг 1985 йилги фаолияти яқунлари тўғрисидаги ахборотини тинглади. Давлат ҳокимияти олий органининг, халқ депутатлари Советлари бутун системасининг иши партия ташаббуси билан давлат ва жамоат турмушининг ҳамма соҳаларида амалга ошириладиган чукчур сифат ўзгаришлари, социалистик демократияни, давлат ва ҳўжалик механизмининг, иш усулби ва методларини янада такомиллаштириш шариоитида авж олдириб юборилганлиги қайд этилди. Ҳўжаликни ва социал-маданий қурилишни ривожлантиришнинг, халқ фаровонлигини оширишнинг энг муҳим масалалари, фан-техника тараққиётини жадаллаштириш, халқ истеъмолчи моллари ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва сифатини яхшилаш, хизмат ҳасини такомиллаштириш, материал ва меҳнат ресур-

ларидан самарали фойдаланиш, иқтисодий тежашни кўпайтириш проблемалари СССР Олий Совети унинг Президиуми, палаталар лойиҳий комиссияларининг диққат марказида бўлди. Халқ депутатлари Советларига раҳбарлик савияси оширилмоқда, ҳисобот бериб турадиган органларнинг иши устидан контроллик кўчайтирилмоқда. Қонунларни такомиллаштириш, қонунчиликни ва ҳўқўқ тартибни мустаҳкамлаш соҳасидаги ишлар изчиллик билан ўтказилмоқда. Олий Совет ва унинг органларининг ташқи сиёсий фаолияти битқамлик билан амалга оширилмоқда.

КПСС XXVII съезди қарорларини бажаришда, партиянинг мамлакат социал-иқтисодий тараққиётини жадаллаштиришга, меҳнаткашларнинг турмуш даражасини оширишга қаратилган йўлини рўёбоқ чиқаришда жуда ақил ва унинг органларининг сақлаш ва мустаҳкамлаш учун курашини келгуси

даврдан барча погоналардаги халқ депутатлари Советлари кўп киррали ишининг асосий мазмуни бўлиб қолиши келажакдаги Сиёсий бюро таъкидлаб ўтди.

Ўртоқ Е. К. Лыгачевнинг КПСС делегациясининг Куба Коммунистик партияси III съезди ишидаги иштироки тўғрисида берган ахбороти маъқулланди. Съезд вақтида Куба раҳбарлари билан ўтказилган суҳбатлар Совет Иттифоқи ва Куба халқларининг бирдамлигини, иккала қардош партия ва мамлакат марксизм-ленинизм, социалистик интернационализм принциплари асосида ҳамкорликни янада ривожлантиришга интилаётганликларини яна бир бор намоиш қилганлиги ўқитиб ўтиди.

КПСС Марказий Комитети нинг Сиёсий бюроси мамлакат ички турмуши ҳамда Коммунистик партия билан Совет давлати ташқи сиёсий фаолиятининг бошқа баъзи масалаларини ҳам кўриб чиқди.

## КПСС Марказий ревизия комиссиясида

18 февраль куни КПСС Марказий ревизия комиссиясининг мажлиси бўлди. Мажлисида комиссиянинг Совет Иттифоқи Коммунистик партияси XXVII съездида ҳисоботи, шунингдек КПСС Марказий ревизия ко-

миссияси тўғрисидаги янги Низом лойиҳаси кўриб чиқилди ва маъқулланди. Бу Низом лойиҳаси партиянинг бўлажак съезди муҳокамасига тақдим этилади.



## Салмоқли ҳисса

КПСС XXVII съездида бағишланган 15 февралда ўтказилган Коммунистик шайбалик Ўзбекистоннинг миллион-миллион меҳнаткашлари учун чинакам зарбдор меҳнат сабоғи бўлди. 18 февраль куни Тошкентда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети секретари А. С. Икромов раислигида бўлиб ўтган шайбалик республика штабининг яқунловчи мажлисида шу ҳақда гапирилди.

Штаб шайбаликдаги иш натижалари ҳақида Ўзбекистон ССР Марказий статистика бошқармасининг бошлиғи М. К. Социковнинг ахборотини тинглади. Республика аҳолиси шайбаликда ялписига қатнашганлиги ва энг юксак меҳнат унумдорлигига эришишга интиланлиги қайд этиб ўтиди. Партия ва жамоат ташкилотлари, ҳўжалик раҳбарлари, халқ депутатлари Советлари шайбаликка ишчанлик билан, ҳар томонлама тайёрларин кўрган, одамларнинг меҳнати ва социалистик мусобақани омилдорлик билан ушатириган ерлардан энг яхши натижаларга эришди.

Зарбдор вахтада рангли металлургия, газ саноати, электротехника, қишлоқ ҳўжалиги ва химия машинасозлиги корхоналари, пахта заводлари, «Сельхозтехника» булинмаларининг коллективлари ибрат кўрсатдилар. Электр двигателлар, марказдан қочирма насослар, тракторлар, Янгирчу машиналари, ип ва шойи газлама, трикотаж ва бошқа маҳсулотлар кўплай тайёрланди. Шаҳарлар ва аҳоли пунктларини ободонлаштириш бўйича катта ҳажмдаги ишлар бажарилди. Қишлоқ меҳнаткашлари экинчи тайёрларни ишларига, чорва иқшловини янхоҳсига етказишга салмоқли ҳисса қўшилди.

Коммунистик шайбалик чоғида ишга солинган ишлаб чиқариш резервлари, деб таъкидлаб ўтиди штаб мажлисида, ҳисобга олиниши ва меҳнат коллективларининг қундалик практикасида фойдаланилиши лозим. [ЎзТАГ].

## В. И. Ленин партия съездлари тўғрисида

«В. И. Ленин партия съездлари тўғрисида» тўплами босилб чиқди. Унга В. И. Лениннинг партия турмушида, партиянинг Программаси ва Устави ишлаб чиқилиши ҳамда уларни қабул қилишида, стратегия ва тактика

ни белгилаб олишда партия съездлари роли ва ўрнини таърифловчи асарлардан кўчирмалар киритилган. Китоб Владимир Ильич съездларни тайёрлаш, уларда қабул қилинган қарорларни ўрганиш ва пропаганда қилишга жуда

натқ аҳамият берганлигини, партиянинг I—XI съездлари ишга берган баҳони кўрсатади.

Тўпلامي Сиёсий адабиёт нашриёти чиқарди. (ТАСС).

## КПСС Марказий Комитетининг янги тахрирдаги КПСС Программасини тайёрловчи комиссиясида

1986 йил 17 февраль куни КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ М. С. Горбачев раислигида КПСС Марказий Комитетининг КПССнинг янги тахрирдаги Программасини тайёрловчи комиссияси мажлиси бўлди.

Комиссия КПССнинг янги тахрирдаги Программасини лойиҳасининг КПСС Марказий Комитети 1985 йил октябрь Пленуми қарорига мувофиқ ўтказилган умумпар-

тия ва умумхалқ муҳокамасини яқунлади.

Лойиҳа иттифоқдош республикалар Компартияларининг съездларида, ўлка, област, округ, шаҳар ва район конференцияларида бошлангич партия ташкилотларининг ва меҳнат коллективларининг йиғилишларида муҳокама қилинганлиги мажлисида таъкидлаб ўтиди. Бу съезд, конференция ва йиғилишларда ўн миллионлаб коммунистлар ва партиясиз-

лар иштирок этдилар. Марказий партия ва давлат органларида, газеталарда, радио ва телевидениега қўлдан кўч хат ва телеграммалар юборилди.

Умуман коммунистлар, барча меҳнаткашлар КПССнинг янги тахрирдаги Программасининг қондаларини, партиянинг мамлакат социал-иқтисодий тараққиётини жадаллаштириш йўлини астойдил қўллаб-қувватладилар.

кўпгина таклиф ва мулоҳазаларни айтдилар.

Комиссия муҳокама чоғида тушган таклифларни эътиборга олиб, ишлаб чиқилган лойиҳага бир қанча ўзгариш ва қўшимчалар киритди. КПССнинг янги тахрирдаги Программасининг аниқликлар киритилган лойиҳасини кўриб чиқиш учун КПСС Марказий Комитетига тақдим этишга қарор қилинди.

## ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ПАРТИЯ КОМИТЕТИДА

Область партия комитетининг бюроси навбатдаги мажлисида Ўзбекистон Компартияси Тошкент область комитети ҳузуридан партия комиссиясининг 1985 йил иш яқунлари тўғрисидаги ҳисоботини тинглади.

Шу нарса таъкидландики, партия комиссияси назоратини яхшилади, коммунистлар, хусусан, раҳбарларнинг партия қарорларини сўзсиз бажаришлари учун уларга нисбатан талабчанлигини оширди, белгилаган топшириқларни барбод қилмаётган, тадбирларини бажариш муддатларини бузаётган, хизмат мавқеини сунистеъмом қилмаётган шахсларга нисбатан талабни кўчайтирди.

Шу билан бирга область партия комитети, шаҳар ва район партия комитетлари ҳузуридан партия комиссияларининг иш савияси партия аппаратининг ҳамма бўгинларига қўйилган юксак талабларга жавоб бермайд.

Болалар учун товарлар ишлаб чиқариши кўпайтириш, ассортиментини кўчайтириш ва сифатини яхшилаш тўғрисидаги масалани муҳокама қилиб, область партия комитетининг бюроси шуни таъкидладики, областдаги ҳўжалик раҳбарлари, корхоналарнинг бошлангич партия ташкилотларини иш усулби ва методларини сўст қайта қуроқдалар, ҳамма ёшдаги болалар учун юқори сифатли товарлар ишлаб чиқариши кўпайтириш йўлида илгор тажрибадан кам фойдаланишлар, ишлаб чиқариши реконструкция қилиш ва техник жиҳатдан қайта қуроқланган ҳисобига интенсификация тўғрисидаги фаолиятларини етарли қаратмаптилар. Мавжуд ишлаб чиқариш ва техника потенциални тўла қувват билан ишлатилмапти, баъзан эса бошқа мақсадларда фойдаланилмоқда. Болалар пойабозли ишлаб чиқаришга иктисослашган Чирчиқ пойабозал фабрикасида ишлаб чиқариш умумий ҳажмининг 22 проценти миқдорда катталар учун оёқ кийимлари тайёрланмоқда.

Областининг бир қатор корхоналари бу маҳсулотни номенклатурда етказиб бериш топширининг бажарилиши тўғрисида «Малина» трикотаж бирлашмаси шартнома мажбуриятларини бажарилганлигини асосий ҳисобга олган ҳисоботининг ҳар тўртдан бири бўйича бажарилди.

Тошкент шаҳар ва область икконира комитетларининг савдо бошқармалари, област матбуот жамиятлари союзини правленеси болалар учун товарлар савдосини яхшилаш чораларини кўрмаяптилар, харидорлар эҳтиёжини чукчур ўрганмаяптилар, товар ресурсларини тақсимлаш ва тарғатишда оперативлик қилмаяптилар.

Корхоналарнинг партия ташкилотлари инженер-техник ходимларнинг роли ва ишлаб чиқариш барча бўгинларида бир маромда иш олиб боришни таъминлашдан манфаатдорлигини кўчайтира олмадилар, аҳолига зарур маҳсулот ишлаб чиқаришдаги технология жараёнини такомиллаштириш зарур эъландилар. Улар юксак сифат технология потокларини вужудга келтириш юзасидан илгор тажрибани

яхши ёя олмаяптилар. Болалар товарлари ишлаб чиқаришдан корхоналарнинг коллективларида кадрларни тайёрлаш, жой-жойига қўйиш ва ўқитиш иши суьайтириб юборилган, мутахассисларнинг сифат сости яхшилланмапти. Чирчиқ пойабозал, «Ташгруппа» фабрикаларида инженер-техниклар лавозимларида практиклар 30 проценти, Янгийўл пойабозал фабрикасида яримдан кўпини эгаллаб турипти. Айна вақтда дипломли кадрларнинг бешдан бир қисми ишчи бўлиб меҳнат қилмоқда.

Тошкент шаҳар ва область икконира комитетлари савдо бошқармалари, област матбуот жамиятлари союзини правленесининг эътибори болалар товарлари савдосидаги мавжуд камчиликларга қаратилди. Улар боришни ташкилотларининг мавжуд ресурсларини оқилона ишлата билиши, аҳолига хизмат қўрсатиш маданиятини яхшилаш, харидор талабини ўрганиш, товарлар етказиб берадиган корхоналар билан алоқани мустаҳкамлаш юзасидан фаолиятларини кўчайтиришлари керак.

## Замондошимиз



Надежда Фольцынинг Абраза комбинатида ишлаётганига ўн беш йил бўлди. Уни бу ерда кўпчилик юқори малакали, тажрибали ишчи сифатида ҳўрмат қилади. Икки йил муқаддам Надежда Фольца майда абраза буюмлар ишлаб чиқариш бўйича махсус бригада тузган эди. Ҳозир бу коллектив ўз олдига қўйилган вазифани шараф билан удалаяпти. Унга «Коммунистик меҳнат кол-

лективни» номи берилди. Бригада коллектив вақтдан ўзим ишлаб, КПСС XXVII съезди арафасида икки ойлик топшириқни бажаришга ҳаранат қилаяпти.

СУРАТДА: бригадада социалистик мусобақа голиби сифатида корхона касеба союз комитетининг фахрий ёрлигини топшириш пайти.

Т. Каримов фотоси.

## ТОШКЕНТ МЕДИКЛАРИГА БАЙРОҚЛАР

1985 йил, умуман ўн биринчи беш йиллик топшириқларини бажариш ҳамда КПСС XXVII съездини муносиб кўтиб олиш учун ўтказилган социалистик мусобақа яқунларига кўра, Абу Али ибн Сино номли Тош-

кент шаҳар I-клиник кардиологиянинг ва Ўзбекистон санитария, гигиена ҳамда касалликларни илғий тадқиқот институтининг коллективлари СССР Соғлиқни сақлаш министрлиги ва медицина ходимлари касеба союзи Марказий Комитети-

нинг кўчма Қизил байроқлари билан мукофотландилар. Тошкент меδικларига мукофотларни 18 февраль куни СССР Соғлиқни сақлаш министрлигининг биринчи ўринбосари О. П. Шепин топширди. (ЎзТАГ).

## «БИНОКОР»—«ТОРПЕДО» (ЯРОСЛАВЛЬ)—3:0 Хоккей

«Юбилей» Марказий спорт залида шайбали хоккей буйича «Бинокор» ва Ярославльнинг «Торпедо» командалари ўртасидаги такрорий учрашув бўлиб ўтди. Майдон эгалари учун бу матч муваффақиятли ақунланди. Ҳамшаҳарларимиз рақибларини 3:0 ҳисобида ен-

гишти. Шундай қилиб, Ўзбекистон пойтахти хоккейчилари такрорий учрашуда ғалаба қозониб, биринчи беллашувдаги (4:6) мағлубият аламини олмиши ва матчга таширф бурган кўпсонли мухлисларни мамнун этдилар.

Учрашудан сўнг «Бинокор» командасининг катта тренери А. Гутос шундай деди:— мазкур матчда тошкентликлар та-шаббускорлик билан ўйнади. Натижда биринчи лиганинг 7—20-ўринлар учун бахslash-ётган икки зона коллективла-

рининг мутлақ пешқадами устидан ғалабага эришилди. Навбатдаги тур ўйинлари 22—23 февралда бўлади. Тошкентликлар бу сафар ўз майдонларида Москва ҳарбий округининг СКА хоккейчиларини қабул қилмадилар.



Зафарларимиз — коммунистлар анжуманига

Мукофотга жавобан

1985 йил ва ўн биринчи беш йилликнинг план-топшир...

Коллектив ўн биринчи беш йилликда катта ҳажмдаги ишларни амалга оширди...

«Зардор меҳнатимиз КПСС XXVII съездида»...

Бундай муваффақиятларга қорхонани реконструкция қилишнинг планли равишда олиб борилиши...

Завод меҳнаткашлари съезддан йилнинг дастлабки ойини ҳам барча кўрсаткичларида...

И. ФАТТОХОВ.



Муқаддас Турсунхўжаева «Чевар» тикувчи ишлаб чиқариш бirlашмасининг...

Олға интилиб

«Учқун» тўқимачилик-галантерея ишлаб чиқариш бirlашмаси чеварлари ўтган йилни яхши натижалар билан яқунлади...

қуликларда фаол иштирок этиб, смена топшириқларини мунтазам 115—120 процентга етказиб адо этипти.

СУРАТДА: Ёш тикувчи Муқаддас Турсунхўжаева.

Т. Каримов фотоси.

Утган йилдаги самарали меҳнат янги йилни яхши бошлаш имконини берди. Бirlашмада фақат январь ойининг ўзида планга қўшилган таъйирланган маҳсулот 17 минг сўмликни ташкил этди.

Корхонада кейинги даврда кенг қўл очилган меҳнат самардорлигини ошириш ва буюмлар сифатини яхшилаш ҳаракати ҳақида сўз борганда...

Мана, айрим мисоллар. Рационализаторлар «ТЛБ» 40 м<sup>2</sup> машиналарнинг модернизация қилишнинг таклифи эйтилганди. Бунинг амалга ошириш натижасида маши-

С. СУЛТОНОВ.

Юксак талаблар асосида

Ўзбекистон Компартияси XXI съезди ишда рўй берган хато ва камчиликларни рўйроқ очиб ташлади...

Инҳаси, таклиф этилаётган ўзгаришлар билан КПСС ўзгаришларни, СССРнинг иқтисодий ва социал ривожланишининг 1986—1990 йилларга ҳамда 2000 йилгача бўлган даврга мўлжалланган...

дун ташлим шохобчаларида машғулдорларнинг ҳозирги талаблар даражасида ўзини ўқитиш ва таълим олиш...

ва иш сифатини яхшилашга қаратилган қимматли таклифлар билан чиқди.

Агар съезд талабларини қўлга олишга қаратилган ишларни яхшироқ ташкил қилишнинг мақсади бўлса...

1, 2, 3, 4, 5, 22, 24-халқларда ва бошқа бир қатор бўлимлардаги мақта ва семинар машғулоти анча қизиқарли бўлмоқда.

Хозирги пайтда тингловчилар лекция ва сўхбатларни шуни ҳам тингловчи қолмай, балки буларга актив муносабатда бўлмоқдалар.

«Средазабель» ишлаб чиқариш бirlашмаси ссий маориф кабинетининг мури.

Бirlашма партия комитети партия ўқуви ва иқтисодиётнинг...



ТАСС ВА АПН МУХБИРЛАРИ ЭСАДЛАР

Ҳиндистон энергетикаси

ДЕХЛИ. Бу ерда бўлиб ўтган иккинчи кунлик конференцияда Ҳиндистон энергетикасини ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди.

рувчи қорхоналарнинг юзга яқин раҳбари қатнашди. Ҳиндистон энергетика мистри Васант Сатхе ўз нутқида социал-иқтисодий ривожланишнинг беш йиллик реалари (1985—1990 йиллар) даврида мавжуд қувватлардан аниқ тўлароқ фойдаланиш, шунингдек янги энергия манбаларидан кенг қўлланадиган...

деленишга — шемол, қуёш электр станциялари ва бошқа хил электр станциялари яратишга асосий эътибор берилди, деб таъкидланди.

икки ярим баравардан зиёд орти ва қарийб 42,5 миллион киловаттга етди. Еттинчи беш йилликда бу қувватни яна 22 миллион киловатт қўйиб туриш кўзда тутилди.

Ҳиндистоннинг Совет Иттифоқи билан ҳамкорлиги шу муҳим вазифани ҳал этишга салмоқли ҳисса қўшмоқда. Хозир мамлакатда ҳосил қилинган электр энергиянинг ўндан бир қисми СССР ёрдамида қурилган электр станциялари ҳиссасига тўғри келмоқда.

Йилига 60 мингта мопед

БРАТИСЛАВА. «Ляор» универсалнинг каттагина спорт моллари бўлимида актив ҳордиқ чиқариш учун зарур ҳамма нарсани — илай, замонавий кийим-кечак ва пойфазалдан тортиб даламат қайиқлар ва турист пеллаваригача ҳарид этиш мумкин. Лекин магазиннинг велопед секциясида «Бабетта» мопедлари пайдо бўлганида б<sup>1</sup> ер гоятда гавжум бўлиб қади. Шу автомат узатмалар икки билан таъминланган, тежмил ва содда бошқариладиган шу икки гидравлик машиналар сарқитов шаҳар — қўшқид ҳам, шаҳардан ташқарида эришда ҳам бирдай яхши эриш шунингдан у махру бўлиб кетди. 50 куб сантиметрли моторли шу қаққон ашиналар Фарбий Славонинг Коларово шаҳрида мана йилдан йилдан бери қонвейдан тушиб келмоқда. Шу йи 60 мингта мопед таъйирлаш қилинади. Унга СССРдагина мас, шу билан бирга чет элрда ҳам талаб ортмоқда. «Бабетта» мопедистик давлат, рга, шунингдек АКШ, Дания, Швейцария ва бошқа мамлакатларга экспорт қилинмоқда. Шунинг учун ҳам ишлаб чиқишнинг кенгайтириш ва янлаш натижасида шу беш йил охирига бориб, йили 85 мингтадан мопед таъйирланган бўлиди. Завод конюкторлари бир неча янгиликлар билан яратдилар. Улар охида икки ўринли «Бабетта», шунингдек анча кучли мото қўйилган машиналар бор.

Жаҳон шаҳарлари ва пойтахтларида

КЕЧМЕТ. Кечкемет приборсозлик заводи коллективи учун бошланган беш йиллик ишлаб чиқариш суръатларини янада ошириш, ишлаб чиқарилаётган буюмларни такомиллаштириш даври бўлади.

Ядровий ва космик қуроллар юзасидан мунозараларда қатнашаётган Совет ва Америка делегациялари раҳбарлари билан учрашганда сўнг Женевадан қайтиб келган Фарбий Берлин тинчлик тарафдорлари ядро ҳавфига қарши, космосда қуролланиш пайғасининг олдини олиш учун қурашни зарурлигини айтдилар.



ГФР телевиденисида Совет Иттифоқи кунин ўтказилди. Мамлакат телеомошабинлари шу кунин совет ҳужжатли ва бадиий фильмларини, цирк артистларининг чиқишларини томоша қилдилар.

Бизнинг асосий шерикларимиз — СССР қорхоналаридир, — деди завод буюртмалари тўғрисида сўз тугаллаган беш йилликда ишлаб чиқаришнинг кенг қўлаб реконструкцияга, қувватларини оширишга, янги маҳсулот ишлаб чиқаришнинг ўзлаштиришга муваффақ бўлди. Еттинчи беш йилликда ҳам шу соҳадаги ишларини давом эттирмоқчимиз.

Фарбий Берлин Бirlашган социалистик партияси раисининг ўринбосари Дитмар Арнс бу ерда матбуот конференциясида гапириб, Америка делегациясининг аъзолари Вашингтон маъмуриятининг стратегик мудофаа ташаббуси программасини амалга ошириш режаларини амалия қилиш учун биринчи ҳам иккинчи даражалик оммабошликларнинг таъкидиди. Шундай тасавуру ҳосил бўлдики, деди у, Женевада Америка вакиллари космосни харбийлаштиришдан ялқинлардан фойдаланиш кўлаётган АКШ ҳарбий-саноат комплексининг манфаатларини ҳамма қилмоқда.

Ашаддий жиноятчилардан фойдаланилмоқда

ДЕХЛИ. Покистон ўзининг Ҳиндистонга қарши кирдиқорларини амалга оширишда ашаддий жиноятчилардан фойдаланилмоқда. ЮНИ АХБОРОТ АГЕНТЛИГИНИНГ хабар қилишича, Покистон махсус хизмати Ҳиндистоннинг Панжоб штатида ташлаш учун Покистон турмалиридаги жиноятчилар орасида «қўнғилиларнинг» айламоқда. Улар, деб таъкидлайди агентлик, Ҳиндистон чегарасига...

барно этилган. Панжобдан олинаётган хабарларга эрганда, Фирўзпур округида жиноятчилар Анвали Далтар тинчликнинг тикили арабоби Дали Сингхнинг ўлдирилган; Уларнинг жиноий мақсадлари йўлдан экстремистлардан тўхта далавнатган Ҳиндистон таш мавлари, деб ваъди «Махсус тан таймс» газетаси, бу шглда қўрқитиш ва аўроаонлик ва зиятнинг аўжуга келтириш, хинд халқи бирлигига тур етказишга уринмоқдалар.

КЕЧМЕТ. Кечкемет приборсозлик заводида ҳар кунин Тольяттидаги автомобилсозлар адресига 7 миллион сўмликдан кўпроқ маҳсулот жўнатилади. Корхона маркази қўйилган ускуналар совет энергетикасининг Нижневатовск, Тюмень, Саратов ва Уренгойдаги 500 та объектида пухта хизмат қилмоқда.

ЖАРДАН. ЖАРДАН олимпиадан хабарларга қараганда, сўнгги уч кун ичиде апертед системасига қарши ҳалқ кураши давомида қанда 14 киши ҳалок бўлган. Претория яқинидаги Аттеррижвилда полиция ирчилар терорист қурбонларини дафи этиш мавсимини ҳам қўшилди кетган оромий намоийи қатнашчиларидан шафқатсиз ўч олди. Гуволларнинг далолат беришича, жазо отрядлари ҳеч қандай сабабсиз намоийишчиларга қарата ўч оиб, 16 яшар ўслаир Жорж Моймуни ўлдирганлар. Илгари худди шу посёлкада «тартиб посбонлари» отган ўқдан 13 яшар Эмма Сетенке ҳалок бўлган эди.

БУХАРЕСТ. Руминиянинг Филлаши шаҳридаги электротехника ускуналари заводи бу йил яхши иш суръатига эришиб, экспорт қилинган маҳсулотларини графидан анча ўзиб тайёрламоқда. Шу кунларда совет буюртмачилари номига электро-мотор ва трансформаторларнинг навабдаги туркуми юборилди. Йил бошидан буйн эса шу кўрсаткич буйича план топшириги 4 миллион лей ошириб бажарилди.

ХАРАРЕ. ЖАРДАН олимпиадан хабарларга қараганда, сўнгги уч кун ичиде апертед системасига қарши ҳалқ кураши давомида қанда 14 киши ҳалок бўлган. Претория яқинидаги Аттеррижвилда полиция ирчилар терорист қурбонларини дафи этиш мавсимини ҳам қўшилди кетган оромий намоийи қатнашчиларидан шафқатсиз ўч олди. Гуволларнинг далолат беришича, жазо отрядлари ҳеч қандай сабабсиз намоийишчиларга қарата ўч оиб, 16 яшар ўслаир Жорж Моймуни ўлдирганлар. Илгари худди шу посёлкада «тартиб посбонлари» отган ўқдан 13 яшар Эмма Сетенке ҳалок бўлган эди.

Эрон-Ироқ фронтида

БАҒДОД. Ироқ бош ҳарбий қўмондонлиги ўзининг навабдаги ахборотида хабар қилишича, Шетт-Араб дарёсидеги Умм-Ар-Рассас ороли душман қўшинларидан батамом тозаланган. Дастлабки маълумотларга кўра, операция даврида Эроннинг 500 га яқин аскари ўлдирилган, кўп киши асир олинган. Фронтининг жанубий участкасида самолётлар ва вертолётлар 500 мартага яқин жанговар парвоз қилган. Басра шаҳридан шарқроқда икки кунлик жанговар ҳаракат давомида душманнинг 2500 дан кўпроқ аскари ўлдирилган, 10 дан кўпроқ танки яқсон қилинган. Ироқ армияси бу раён аҳолида ҳақорат қилиб турибди, дейилди ахборотда.

НИКОСИЯ. Эроннинг Ирн агентлиги хабар қилишича, ке-чаги кун давомида Эрон қўшинлари Шатт-Ал-Араб дарёсининг Ироқ тарафидеги ўз позицияларини мустақкамлашнинг давом эттирилди. Фронтининг жанубий участкасида уч кундан бери давом этаётган жангларда душманнинг 5 мингдан кўпроқ аскари ўлдирилган ва жароҳланган, 1000 киши асир олинган. Ҳаво ҳужумидан мудофаа кучлари билан ҳарбий-ҳаво кучлари Ироқнинг ўнта самолёти ва вертолётини уриб туширганлар. Ироқнинг Хуррамшаҳар томонига қилган иккита қарши ҳужуми қайтарилган.



Фарбий Германиядаги Гамбург шаҳрининг «Хагенбек» ҳайвонот боғида моғлар оиласида қувончли воқеа рўй берди. Совет Иттифонининг Арктика соқилдан бу йрга тўртта ёш морж келтирилди. Улар ўзини яхши ҳис этмоқда. СУРАТДА: моржлар сув ҳавзасиде қўчилиб чиққан пайт.

Камера пресс— ТАСС фотси.



